

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОМБУДСМАН. ТАРИХИ ВА БУГУНИ.****Қурбонбой Рейимбоевич Сетназаров**

*Илмий раҳбар: Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат Университети Юридик факултети
“Жиноят ҳуқуқи, процесси ва криминалистика”
кафедраси дотсенти ю.ф.н*

Хайитов Жаҳонгир Фарҳод ўғли
Алмаматов Мансурбек Бўрибой ўғли
*Муаллиф: Юридик факултети 3-босқич
Талабалри*

Аннотация: *Мазкур мақолада инсон ҳуқуқларини химоя қилиш борасидаги амалга оширилган ва ҳозирда амалга оширилаётган ишлар ўрганилади. Айниқса, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларни химоя қилиш тизими, тарақиёт босқичи, амалга ошираётган ишларининг зарурлиги ва долзарблиги. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш босқичидаги йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳамда ушбу муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ёритиб берилади.*

Abstract: *This article examines what has been done and is currently being done to protect human rights. Especially the system of protection of human rights in our country, the stage of development, the necessity and relevance of the work being done. Also, the mistakes and shortcomings made at the stage of human rights protection, as well as proposals aimed at eliminating these problems, are highlighted.*

Калит сўзлар: *Омбудсман, Уйғониш даври, Олий Мажлис, МДХ, Ижроия ҳокимияти органлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари вакили, Экспертиза, нодавлат институт.*

Инсон ҳуқуқлари – шахсининг ҳаётининг эҳтиёжи, яшаши, камолот топиши, унинг жамият, давлат ва бошқа шахслар билан алоқаси учун зарур бўлган хусусиятларидир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими ўз яралиш ибтидоси ва ривожланиш мантиқига эга. Адабиётларда „инсон ҳуқуқларининг уч авлод“ босқичи ҳақида кўрсатилган. Улар қуйидагилардан иборат.

Инсон ҳуқуқларининг „биринчи авлоди“ – фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларининг „иккинчи авлоди“ – бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсири остида шаклланди. XIX аср охири XX аср бошларида саноати



ривожланган кўпгина мамлакатларда иқтисодиёт соҳасида сезиларли силжишлар рўй берди.

Инсон ҳуқуқларининг „учинчи авлоди“ – „ҳамжиҳатлик ҳуқуқлари“ деб аталиб, улар давлатлардан устун турувчи ва коллектив характерга эга. Умумий эътироф этилган қоидага кўра бу ҳуқуқлар: тинчликка бўлган ҳуқуқ, беҳавотир табиий атроф муҳитга бўлган ҳуқуқ, инсониятнинг иқтисодий ва маданий меросидан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Инсоннинг ўз эркинликлари, ҳуқуқлари ва манфаатлари учун давом этган узоқ кураши умуминсоний аҳамият даражасига кўтарилган қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзининг моддий ифодасини топган:

Эркинликнинг буюк хартияси (1215-йил);

Ҳуқуқ тўғрисидаги петиция (1628-йил);

„Ҳабеа Созпус АКТ“ (1679-йил);

Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл (1689-йил);

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (1948-йил);

Инсон ҳуқуқлари барча инсонларнинг умумбашарий ва ажралмас ҳуқуқлари бўлиб, қайсидир давлатга, миллатга, фуқароликка ёки динга тегишли бўлмасда ҳамма учун бир хилдир.

Уйғониш даври мутафаккирлари Шарқнинг машхур ҳуқуқшуносларидан бири Имом Бурхониддин ал-Марғиноний ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқларига, у ана шу давлатнинг фуқароси эканлиги ёки аксинчалигидан қатъий назар, риоя этилишини қонунлаштириш ва таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги ғоясини ёқладилар.²³

Ҳозирги кунда ушбу вазифаларни амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини химоя қилиш мақсадида ташкил этилган сиёсий ташкилотлардан бири бу Омбудсмандир.

Омбудсман сўзи – (Швед тилидан олинган бўлиб - бирон киши манфаатларининг вакили) бугун ривожланган ва ривожланаётган давлатларда кўп ишлатиладиган атама. Негаки, уни инсон ҳуқуқларини химоя қилувчи сифатида тушунишади.⁴

Дунёда биринчи марта Омбудсман лавозими 1709-йил Швеция қироллиги ҳузурида жорий қилинган. Ҳозирги вақтда у жаҳоннинг 110 дан ортиқ мамлакатада мавжуд. Омбудсман институтини ташкил этилишига қараб 2 турга бўлиш мумкин. Парламент томонидан тайинланадиган (сайланадиган) классик типдаги ва ижроия ҳокимияти органлари томонидан тайинланадиган Омбудсманга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили (Омбудсман) институти 1995 йилда ташкил этилган. Ушбу институт

²⁴ <https://uz.Wikipedia.org/w/index.php>

³ Уйғониш даври (Ренессанс)-марказий Осиё, Эрон,Хитой (9-12 ва 15 асрлар) ва Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври.

⁴ Омбудсман сўзи – (Швед тилидан олинган бўлиб - бирон киши манфаатларининг вакили)



МДХ худудида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда таъсис этилган.⁵ Ўзбекистон Омбудсмани ҳам классик Омбудсман ҳисобланади. Ижроия ҳокимияти органлари томонидан тайинланадиган Омбудсман ҳуқуқлари бироз чегараланган. Улар алоҳида соҳалар бўйича текшириш ҳуқуқига эга. Масалан, касалхоналар, жазони ўташ муассасалари, болалар, ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчилар, жиноятлардан жабрланганлар, солиқ муассасалари бўйича шуғулланадиган алоҳида соҳалар. Ўзбекистон Республикасида Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари „Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида“ Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1997-йил 24-апрел)да белгилаб берилган. Мазкур қонунга кўра, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) — мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига асосланади. Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.⁶⁻⁷

Болалар ҳуқуқлари бўйича Омбудсман ёки вакил лавозими биринчи бўлиб Норвегияда 1982 йилда таъсис этилган. Швецияда эса бундай институт 1993 йилда фаолият бошлаган. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида болалар бўйича Омбудсман институти фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилиши натижасида мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий ва институционал асослари янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 майдаги “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгиланди.

⁵ МДХ-давлатлараро ташкилот. 1991-йил 8-декабрда Минскда Беларус,Россия,Украина томонидан тузилган.

⁶“ <https://uz.Wikipedia.org/w/index.php?title=Ombudsman&oldid=3891385>”

⁷ Олий Мажлис-олий давлат вакиллик органи бўлиб,қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.



2024 йил 13 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)нинг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда Омбудсман томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, қонунчиликни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторинглар олиб борилган. Ўтган йил давомида Омбудсман томонидан судларга киритилган салкам 100 та ариза ва даъво аризаларининг 98 фоизи қаноатлантирилган. Омбудсман котибияти ходимлари ҳам аҳоли мурожаатлари ва сўровлари асосида суд мажлисларида 249 маротаба кузатувчи сифатида иштирок этишган. Омбудсман томонидан фуқаролар ҳамда маҳкум (маҳбус) ва уларнинг яқинлари манфаатида ундирилган ва ундирилиши белгиланган маблағлар 2 млрд 150 млн сўмни ташкил этган. 2023 йилда Омбудсманга юборилган мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида 12 та жиноят иши кўзғатилган бўлса, 1 та ҳолатда жиноят иши қайта малакаланган. 57 та ҳолатда жиноят иши кўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорлар тегишли прокурорлар томонидан бекор қилинган. Шу билан бирга, Омбудсман ҳамда Вакил бошчилигидаги Жамоатчилик гуруҳлари томонидан ўтган йилда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга 603 маротаба мониторинг ташрифлари амалга оширилгани айтиб ўтилди. Ташрифлар чоғида аниқланган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда салбий ҳолатларнинг ҳанузгача сақланиб қолинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) Ф.Эшматованинг қайд этишича, мурожаатларда асосан дастлабки терговда йўл қўйилган процессуал камчиликлар суд жараёнида аниқланганда, судья томонидан таъсир чораси қўлланилмаслиги, судья илтимосномани рад этиши, мажлис баённомасига томонлар чиқишларининг киритилмаслиги, гувоҳларни чақиришни рад этиш ва уларни сўроқ қилмаслик, экспертиза ўтказишни рад этиш, адвокат чиқишини кейинга қолдириш каби ҳолатлар кўрсатилган. Мурожаатларда кўрсатилган ҳолатлар суд қарорларининг қонунийлиги, холислиги ва адолатлилигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши мумкин.⁸

Шунингдек, фуқароларнинг Омбудсман номига суд терговининг тўлиқ эмаслиги ва баъзан бир ёқламалиги, жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилаётганлиги, суд жараёнлари ўз вақтида бошланмаслиги ҳамда жазонинг адолатсизлигидан норози бўлиб Омбудсман ходимларини судда кузатувчи сифатида иштирок этишини сўрашган.⁹

Хусусан оилавий зўравонлик ҳолатлари кўпайиб бораётгани даҳшатли. Тасаввур қилинг, жорий йилнинг тўққиз ойида қариндошлар, жумладан,

⁸ Экспертиза-(лотинча тажрибали) мутахассис ва мутахассислар гуруҳи томонидан у ёки бу соҳада малакали ечим талаб қилинадиган масалаларни ўрганиш.

⁹ Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Ахборот хизмати



яқинлар томонидан болаларга нисбатан 166 та зўравонлик ҳолатлари қайд этилган. Афсуски, ҳатто расмий статистика ҳам ўлчовни объектив баҳолашга имкон бермайди.

Ўзбекистонда 2023 йилнинг тўққиз ойида 1240 та вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари қайд этилган бўлса, шундан 417 таси жинсий зўравонлик, шунингдек жорий йилнинг ўтган 7 ойида давомида эса 21 871 нафар хотин-қизлар тазийқ ва зўравонликдан жабрланган.

Ушбу ҳолатларнинг юзага келишида бир нарсани ҳисобга олишимиз кераки. Содир этилган жиноятларни бартараф этишни у содир этилганидан сўнг эмас, балки содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилиши самаралироқдир, буни жаҳон тажрибасидан ҳам билишимиз мумкин. Шунингдек таъминлаб ўтишимиз жойизки дастлабки терговда йўл қўйилаётган процессуал камчиликлар, суд процессида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг олдини олиш мақсадида Омбудсманга бир қатор ваколатлар бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Хусусан вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик, жинсий зўравонлик, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ушбу жиноятларни тергов қилиш жарёнида Омбудсман ходимларининг иштирокини шарт этиб белгилашни таклиф этамиз. Ўз ҳуқуқларидан хабардор бўлиш ва улардан тўғри фойдалана олиш қобилиятини шакллантириш, шунингдек давлат органлари ва мансабдор шахслар васийлар ва хомийлар қаромағидаги шахсларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш, сингари ҳолатларни олдини олиш мақсадида, Омбудсманнинг жойлардаги вакиллари жамоатчилик орасида қатор трғибот ишларини хусусан **“Ўз ҳуқуқингни англа”** сингари мавзуларда давра суҳбатларини олиб боришлари лозим. Шунингдек таъминлаб олиш кераки каерда бўлмасини инсон ўз ҳуқуқларини чуқир англаб етган бўлса унга нисбатан тазийқ, зўравонлик ва қонунлар бузилишига имкон бермайди. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясидаги сўзлаган нутқида 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларидан бири мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган **“ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик”** тамойилидир.¹⁰

Президентимиз Шавкат Мирзиёев юритаётган сиёсат марказида, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади мужассам. Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жинсий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, инсон шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

¹⁰ Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясидаги сўзлаган нутқи 14558 22.02.2021



Буларнинг ҳаммаси халқ фаровонлиги, миллат равнақини кўзлаб қилинаётганлиги барчамизга аён.

Бугунги кунда жамиятимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда. Натижада, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг субекти сифатида инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик борасида ҳам ривожланишнинг янги босқичига кўтарилгани эътироф этилмоқда. Мамлакат халқаро норма ижодкорлиги фаолиятининг фаол иштирокчиси сифатида янги халқаро шартномаларнинг ташаббускори сифатида жаҳон майдонига дадил чиқаётгани буни тасдиқлайди.

Таъкидлаш лозимки, инсон асли ҳур яралган. Уни камситишга, ўз манфаати йўлида ҳуқуқларини поймол этишга, руҳан ва жисмонан қийноққа солишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шундай экан, турли давлат ва нодавлат институтлари инсон ҳуқуқларини тиклаш, адолатни қарор топтириш йўлида барча фидойи инсонлар, жамоат ташкилотлари масъуллари ҳамда халқнинг ишончли вакиллари ҳамкорликка бирлашиши лозим. Агар биргаликда ҳаракат қилинса, кўзлаган мақсадимизга, албатта, эришиш мумкин. Буларнинг замирида, энг аввало, Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бу борадаги ислохотларнинг бош мезони бўлиб қолади.¹¹ Президентимиз таъбири билан айтганда: “Айни пайтда биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда амалга оширган ишларимиздан кўра, олдимизда турган вазифалар кўп эканини ҳам яхши тушунамиз. Маълумки, бу олий қадриятни том маънода қарор топтириш – бирон-бир манзилга етиб бориб тўхташ, дегани эмас. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз чуқур англаймиз”.¹²

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз лозимки ҳар қандай давлатда ҳам ички муаммолар мавжуд. Ушбу маммоларнинг ечимини фақат бир томонлама ҳал қилиниши эса адолатсиз қарорлар қабул қилинишига олиб келиниши мумкин. Шундай экан адолатсизликларнинг олдини олиш мақсадида назоратчи ташкилот сифатида Омбудсманни жалб этиш ва у билан бирга ҳамкорликда иш олиб бориш бу мамлакатимиз кўзлаган тараққиёт сари қуйилган бир пилла поя бўлади десак муболаға бўлмайди.

¹¹ нодавлат институт-бу расмий давлат муассасаларидан мустақил тарзда фаолият юритувчи ташкилот.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари Кўшма мажлисидаги нутқи



Фойдаланилган адабиётлар

1. Сатторов А., Омбудсман – ҳуқуқ ҳимоячиси, Т., 2000.
2. Акмал Саидов. ЎЗМЭ. Биринчи жилд. Тошкент 2000.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси (2000-2005).
4. <http://ombudsman.uz/>.
5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
6. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Ахборот хизмати.

7. <https://uz.Wikipedia.org/w/index.php>.
8. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
9. lex.uz/acts/276159.
10. <https://lex.uz/acts/276159>.